1213

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektlari) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"LDH MEDICAL GMBH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

"LDH MEDICAL GMBH" MChJ

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.10.2014 3018 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 303061104

Tashkiliy-huquqiy shakli:	Mas'uliyati cheklangan jamiyat
Joylashgan joyi:	Toshkent viloyati, Quyichirchiq tumani, Beruniy MFY, Maishiy hizmat ko'rsatish binosi,
Guvohnoma:	Toshkent viloyati, Quyichirchiq tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

---

тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилот омборхонаси мудирининг мавжудлиги;

дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланган тақдирда штатида тегишли ихтисосликка эга бўлган, лавозим мажбуриятларига мувофиқ малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган, дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш ва сифат назоратига масъул бўлган камида икки нафар мутахассиснинг мавжудлиги;

дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш фаолияти билан шуғулланган тақдирда юридик шахс штатида олий фармацевтик маълумотга эга бўлган, шунингдек лавозим мажбуриятларига мувофиқ малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган дорихона мудирининг мавжудлиги;

лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун мўлжалланган, ўзига мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа ашёвий асосида тегишли бўлган ва тегишли санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативларга, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ хоналарнинг мавжудлиги;

лицензияланадиган аниқ фаолият турини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан тегишли моддий-техника базадан, асбоб-ускуналардан, бошқа техник воситалардан, шунингдек, улардан фойдаланишга қўйилган талабларга мувофиқ фойдаланиш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлашни, шунингдек доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун ваколатли назорат-таҳлил лабораторияси билан мажбурий шартнома тузиш;

2.2. Лицензиат ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилганидан кейин бир ой муддатда ҳамда лицензияланувчи фаолият йўналишининг қисми(лари)га лицензиянинг амал қилиш муддати тўхтатилган тақдирда лицензияловчи органга марказлар ёки Ягона портал орқали тегишли маълумотларни ва амалдаги лицензиянинг аслини илова қилган ҳолда электрон шаклда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза тақдим этилади.

2.3. Лицензияни амал қилишини тўхтатиб туриш қарорини олган кундан бошлаб, то амал қилишини қайта тиклаш қарорида белгиланган кунга қадар фаолиятини тўхтатиб туради.

2.4. Филиал очилган (ёпилган), фаолиятни амалга ошириш манзили ўзгарган, дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилот омборхонаси мудири ёки дори воситалари ва тиббий буюмлар тайёрлаш билан шуғулланувчи дорихона мудири ўзгарган тақдирда, лицензиат лицензияловчи органга марказлар ёки Ягона портал орқали лицензия битимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд янги лицензия битимини тузиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади.

III. «ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН» МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. Лицензиатнинг лицензия муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш, амал қилишини тугатиш, бекор қилиш, лицензия битимига ўзгартириш киритиш ёки янги лицензия битими тузиш тўғрисидаги аризаларини қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқади ва қабул қилинган қарорлар тўғрисида лицензиатни қонунда белгиланган муддатларда хабардор қилади.

IV. ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат Лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

4.2.Лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширишларни жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида махсус ваколатли органнинг — Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиш;

лицензиатдан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

---

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

№ 3020-6380-61a0-c208-0022-5700-1841
Хужжат яратилган сана: 2021-03-29
Ариза рақами: 28030081

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "LDH MEDICAL GMBH"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 303061104

Серия: - №: -

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига УП 6632 - сонли ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "LDH MEDICAL GMBH" масъулияти чекланган жамиятига тайёр дори воситаларини улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Беруний МФЙ. Маиший хизмат кўрсатиш биноси.

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):	303061104
Лицензия берилган сана:	27-03-2021 йил
Амал қилиш муддати:	04-03-2026 йил
Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:	12673-16
Ваколатли шахс:	С.Каримв

ZUPAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун my.gov.uz веб-сайтига ўтиш ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиш ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни скaнер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги мавжуд маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

9165

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этишни талаб қилувчи қарорлар чиқариш ва лицензиат аниқланган бундай бузилишларни бартараф этиши шарт бўлган муддатларни белгилаш;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фармацевтика фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳолатлари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

V. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

«Лицензиатнинг жавобгарлиги:

5.1. Лицензиат мазкур лицензия битимини 2.1-2.4. бандларида қайд этилган талаблари ва шартларини бажармаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида жавобгардир.

«Лицензияловчи орган» жавобгарлиги:

5.2.Лицензияловчи орган мазкур лицензия битимини 3.1. бандларида қайд этилган талаб ва шартларини бажармаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида жавобгардир.

VI. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ БУЗИЛИШИ РЎЙХАТИ, ЖУМЛАДАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИНГ НАРХИНИ БЕЛГИЛАШ СОҲАСИДА, ЛИЦЕНЗИЯНИ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ЁКИ ТЎХТАТИШГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ БУЗИЛИШЛАР.

6.1. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, уни бекор қилиш "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

6.2. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин:

лицензиат лицензия битимида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

лицензияловчи органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарори лицензиат томонидан бажарилмаганда.

6.3. Лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тугатишга олиб келувчи лицензия талаби ва шартларининг қўпол бузилишлари қуйидагилардан иборат:

лицензия талаблари ва шартларини, жумладан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг нархини белгилаш бўйича тартибнинг мунтазам (йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) бузилишлари;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни мувофиқлик сертификатисиз сақлаш ва (ёки) реализация қилиш;

рўйхатдан ўтказилмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар томонидан рўйхатдан ўтказилмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини сақлаш ва (ёки) реализация қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилот омборхонага фармацевтик маълумотга эга бўлмаган шахснинг мудирлик қилиши;

лицензия фаолиятини лицензия битимида кўрсатилмаган манзилда амалга оширилиши.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1. Битимни тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

VIII. ЯКУНИЙ БИТИМ.

8.1. Лицензия битимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ўзаро келишилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилади.

---

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

№ 1696-0760-5523-4d1d-6046-4071-6427
Хужжат яратилган сана: 2021-03-27
Ариза рақами: 28030081

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "LDH MEDICAL GMBH"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 303061104

ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ

27-03-2021 йил №15930/12675-16 Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия беришни амалга оширувчи орган (кейинчалик матнда "Лицензияловчи орган" деб юритилади) номидан Директор, Низом асосида иш олиб борувчи С.Каримв бир томондан ва "LDH MEDICAL GMBH" масъулияти чекланган жамияти (кейинчалик матнда "Лицензиат" деб юритилади) номидан низом асосида иш олиб борувчи Иброгимов А. иккинчи томондан, лицензия битимини қуйидаги мазмун ва шартларда туздилар.

I. БИТИМНИНГ МОҲИЯТИ

1.1 Лицензияловчи органнинг 04-03-2016 (қайта расмийлаштирилди - 02.02.2018 йилдаги 6-сон қарори, қайта расмийлаштирилди - 15.11.2019 йилдаги 17-сон қарори, қайта расмийлаштирилди - 27.03.2021йилдаги 17-сон қарори) (узайтирилди - 04.03.2021 йилдаги 12-сонқарори) 5 - сон қарори билан лицензиатга фармацевтика фаолиятининг қуйидаги йўналиши (унинг қисми) билан шуғулланиш учун лицензия берилди: тайёр дори воситаларини улгуржи реализация қилиш

1.2 Омборхона мудири Ф.И.О. (улгуржи реализация омбори учун) –Шомаҳсудова Ш.Ш. Дорихона мудири Ф.И.О. (дори воситалари тайёрлаш учун) –.

1.3. Лицензиянинг амал қилиш муддати : 04-03-2021 йилдан 04-03-2026 йилгача

1.4. Фаолиятни амалга ошириш манзили (манзиллари): Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, Эркин маҳалласи, Эркин кўчаси, 2-А уй

II. "ЛИЦЕНЗИАТ"НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг нархини давлат томонидан тартибга солишнинг белгиланган тартибига, дори воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи реализация қилиш доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мажбурий риоя қилиш, шунингдек, фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимига уланиш ва маълумотларни улар муомалага киритилган вақтдан бошлаб киритиш ҳамда лицензияловчи органга "Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом"нинг 4-иловасига мувофиқ ҳар ойнинг бешинчи санасидан кечиктирмасдан ўтган ой учун маълумотларни тақдим этиш;

экология ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативларга қатъий риоя қилиш;

фаолиятни лицензияда кўрсатилган доирада, шунингдек лицензия битимига мувофиқ манзилда (манзилларда) амалга ошириш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш билан шуғулланган тақдирда штатида фармацевтик маълумотга эга бўлган, шунингдек лавозим мажбуриятларига мувофиқ малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган дори воситаларини ва

8.2. Ушбу лицензия битимининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли, лекин битим матнига кирмай қолган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш соҳасига доир буйруқлари асосида амалга оширилади.

8.3. Мазкур битим икки нусхада тузилган бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади ва лицензия амал қилгунга қадар амал қилади:

лицензия амал қилгунга қадар;

янги лицензия битими имзолангунга қадар.

IX. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН»
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтикатармоғини ривожлантириш агентлиги
Манзил:
Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўч., 1А уй
ШХР: 401410860262667950100054006
ИНН: 305188309
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги
Х/р.: 23402000300100001010

МБ ББ ХККМ Тошкент ш. МФО - 00014
ИНН: 201 122 919
Тел: (99871) 234-06-04; (99871) 235-06-73

Лицензияловчи орган раҳбари: С.Каримв

Келишилди:
Ҳуқуқшунос: Т.Рахматов
Тайёрлади: Г.Зуфарова

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

«ЛИЦЕНЗИАТ»
"LDH MEDICAL GMBH" масъулияти чекланган жамияти
Манзил: Беруний МФЙ, Маиший хизмат кўрсатиш биноси

20208000900393033001
303061104

Тел: +998 97 4451200
Факс: (97) 4804550
Муассаса раҳбари: Иброгимов А.

7116